

Жорий таъмирлашга оид шартнома

2022-57-7-102-ОВ-

2022 й. «31» 3

сон

Пахтачи тумани.

«STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари Н.Бердиев номидан, бир томондан Пахтачи туман Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари А.Шерматов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» пинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан Пахтачи тумани Зиёвуддин қургони «Фахриддин Очилов» кўчаси ўнг томони ва Қ.Суёнов хиёбонининг чап томонидаги пиёдалар йўлагини жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	Пахтачи тумани Зиёвуддин қургони «Фахриддин Очилов» кўчаси ўнг томони ва Қ.Суёнов хиёбонининг чап томонидаги пиёдалар йўлагини жорий таъмирлаш ишлари	206 000 000	205 000 000
	Жами (ҚҚС билан)		205 000 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 205 000 000 (Икки юз беш миллион) сумми ташкил этади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати:

Бошланиши: «31» март 2022 й.

Тугаши: «31» апрель 2022 й.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини коплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танилашига қўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини.

- «Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини коплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўлашини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 31 кун муддатда тскил таъмирлаб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 205 000 000 (Икки юз беш миллион) сум бюджет маблағлари ҳисобидан копланади. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

- 3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан пақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» 30 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида туланади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлаб ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманомаси «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддатни кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам куриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегшли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни таъдиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

7.2. "Истеъмолчи" "Ўтказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ўтказиб берувчи"нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокара оlib бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокара оlib бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда қўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

9. Тарафларнинг реқвизитлари ва имзолари:

Пудратчи:
«STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ
Манзили: Бодоӣ МФЙ
Ҳисоб-китоб рақами
20208000305199205001
СТИР 307250239 МФО 00297
Банк: Агро банк Зисвуддин фил.

Н.Бердиев



Буюртмачи:
Пахтачи тумани Ободонлаштириш
бошқармаси
Манзили: М.улугбек МФЙ, М.Улугбек
кучаси-12 уй
Ҳисоб-китоб рақами
100022860182307065200110002
СТИР 200770249 МФО 00014
Банк: Марказий банк Тошкент ш.ХККМ
Ҳисоб-китоб рақами 23402000300100001010
СТИР 201722919 МФО 00014
Раҳбар А.Шерматов





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
PAXTACHI TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

2022 yil 30 mart

Ziyovuddin sh.

Xo'jalik shartnomasi yuzasidan yuridik ekspertiza
XULOSA

Paxtachi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan STAR INVEST MEGA STROY INVEST NCHJ korxonasi o'rtasidagi pudrat shartnomasini ko'rib chiqilganda qo'ydagilar

ANIQLANDI:

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan STAR INVEST MEGA STROY INVEST NCHJ korxonasi o'rtasidagi pudrat shartnomasin loyihasi O'z.Res.si "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonun talablariga rioya qilingan holda tayyorlangan. O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Qonunning 10- 15-24-32 moddalarida ko'rsatib utilgan bandlar tuliq o'z aksini topgan. Mazkur xo'jalik shartnomasining loyihasi, shartnoma predmitini, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, va bahosini, shartnomaning bajarilishi mudatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, majburiyatlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini, shartnoma tuzilgan sana va joyini, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda yoki taraflarning birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarga olgan. Shartnomada hisob-kitob tartibi ham qonunchilikka mos ravishda belgilangan, oldindan tulov masalasi ham qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda ko'rsatilgan.

Xulosa:

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan STAR INVEST MEGA STROY INVEST NCHJ korxonasi o'rtasidagi pudrat shartnomasini korxonasi pudrat shartnomasini loyihasi amaldagi qonunlar talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Yuqorida ko'rsatilgan normativ xujjatlar talablariga javob beradi.

Paxtachi tumani yuridik hizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsui'ti:



A.S. Pattayev.